

Ўзбекистон Республикаси
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

013 у.р. "02" август № 769-К Самарқанд т-р Самарқанд

“Каттакўрғонариқ” қишлоқ фуқаролар йиғини “Туркман” маҳалласида “Maftuna Diyor Omad Servis” хусусий корхонасига маиший хизмат кўрсатиш ва тикувчилик цехи қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

Тумандаги “Maftuna Diyor Omad Servis” хусусий корхонаси туман ҳокими номига хат билан мурожаат қилиб, “Каттакўрғонариқ” қишлоқ фуқаролар йиғини “Туркман” маҳалласи ҳудудидан маиший хизмат кўрсатиш ва тикувчилик цехи қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини, “Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2013 йил 3 июндаги 182 сонли баёнини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “Maftuna Diyor Omad Servis” хусусий корхонасига “Каттакўрғонариқ” қишлоқ фуқаролар йиғини “Туркман” маҳалласи ҳудудидан маиший хизмат кўрсатиш ва тикувчилик цехи қуриш учун 0,13 га. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Maftuna Diyor Omad Servis” хусусий корхонасига маиший хизмат курсатиш ва тикувчилик цехини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев